

ТИЖОРАТ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Кудратов Салим Темурович

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси тингловчиси

Аннотация: Бугуни кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тижорат банклари амалиётида кўп учраётган ва аҳамиятли ҳисобланадиган ҳолатлардан бири кредитларнинг қайтмаслик даражаси ёки муаммоли кредитлар ҳисобланади. Мазкур мақолада муаммоли кредитларнинг юзага келиш сабаблари, уларнинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш ва кредитларни қайтмаслик эҳтимолини пасайтириш бўйича имкониятлар назарий ўрганилади. Тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг иқтисодий таҳлили, банкларда муаммоли кредитларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклифлар умумлаштирилади

Калит сўзлар: муаммоли кредитлар, банк риски, кредит таъминоти, тўловга қобилиятысизлик

Аннотация. Одной из наиболее распространенных и существенных проблем в практике работы коммерческих банков нашей страны сегодня является уровень невозврата кредитов или проблемных кредитов. В статье теоретически рассматриваются причины возникновения проблемных кредитов, оценивается их влияние на экономику и предлагаются возможности снижения вероятности невозврата кредитов. Обобщены экономический анализ проблемной задолженности коммерческих банков, предложения по совершенствованию управления проблемной задолженностью в банках.

Ключевые слова: проблемные кредиты, банковский риск, кредитное обеспечение, неплатежеспособность

Abstract. One of the most common and significant problems in the practice of commercial banks in our country today is the level of non-repayment of loans or problem loans. The article theoretically examines the causes of problem loans, assesses their impact on the economy and offers opportunities to reduce the likelihood of non-repayment of loans. The economic analysis of problem debt of commercial banks, proposals for improving the management of problem debt in banks are summarized.

Key words: non-performing loans, banking risk, credit collateral, insolvency

Кириш

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган банкларнинг самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда банкларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширишда тижорат банклари фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб туриш лозим. Юридик ёки жисмоний шахслар фаолиятини кредитлаш амалиёти нотекис тақсимланган ресурслардан самарали фойдаланишни оптималлаштириш учун энг самарали дастаклардан бири ҳисобланади. Бироқ, ҳар бир жараёнда бўлганидек, мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир қанча қийинчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, бугунги кунда тижорат банкларининг даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредитлаш амалиётида кредитларнинг ички ёки ташқи омиллар таъсирида қайтмаслик эҳтимолининг мавжудлиги, жами кредитларда муаммоли кредитлар улушининг ошиб бориши ҳолати ҳам учрамоқда.

Банклар жалб қилинган маблағлардан асосан кредит бериш сифатида фойдаланаар экан, бунда нафақат даромад олиш, балки маблағларни “кредит оловчи” дан қайтувчанлик ҳолати бўйича ҳам айрим чора-тадбирларни олдиндан белгилаб олиши зарур. Чунки бугунги кунда кредитлар бўйича муносабатларда “муаммоли кредитлар” ибораси нисбатан анча кўпроқ тилга

олинмоқдъ ва мунозарали ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Бу албатта, бежиз эмас, чунки бугунги кунда республикамиз банк тизимининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши анча юқори фоизни ташкил этмоқда.

Шу боис, тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқариш муҳим вазифалардан биридир.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда илгари сурилган муаммони ҳал қилишда индукция ва дедукция, таққослаш ва динамик қаторлар, занжирли ва базисли боғланиш, хавфларни бошқариш стратегияси усулларидан фойдаланилди. Тадқиқотда эришилган назарий ечимлар ва олинган натижалар банклар ва молия институтлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганишда муҳим хulosалар чиқариш ва улар бўйича таклифлар тайёрлашга ёрдам беради. Шунингдек, молиявий хизматлар бозорининг ривожланиши ва самарадорлигини оширишга қаратилган ислоҳтларни амалга оширишда хизмат қилиши мумкин.

Адабиётлар шарҳи

Банклар амалиётида муаммоли кредитларнинг юзага келиш сабаблари турлича бўлади ва табиийки, бу борада олиб борилган тадқиқотларда муаллифлар ўз қарашлари ва муаммоли кредитларнинг вужудга келиш сабабарига кўра тадқиқот олиб бориши мутлақо мантиқий ҳисобланади. Жумладан, И.Альтман фикрига кўра, кредитнинг қайтмаслик даражаси кредит олувчининг дефолт риски даражасига боғлиқ ва у дефолт рискини қўйидаги кўрсаткичлар асосида аниқлашни таклиф қиласди:

- айланма маблағларнинг активларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи; активларнинг рентабеллиги;
- солиқ тўлангунга қадар бўлган фойданинг активларга нисбати;
- капиталнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати;
- тушумнинг активлар суммасига нисбати.

Муаллиф Питер Роузнинг фикрича, қарз олувчи бир ёки бир неча тўловларни амалга оширганлиги ёки кредит таъминоти қийматининг пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумига ўтишини англатади.

Проф. Ж.Синкининг (2017) хulosасига кўра, кредит олишга талабгор бўлган мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш кредит рискини пасайтириш муҳим омили бўлгани ҳолда, кредит портфелининг сифатини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Ш.Ибодуллаевнинг (2023) хulosасига кўра, хорижлик иқтисодчи олимларнинг тижорат банки раҳбариятининг давлат томонидан қутқариш бўйича бериладиган кафолатга ишониши ўта юқори даражадаги рискларни қабул қилинишига олиб келиши хусусидаги хulosаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади деб келтирган.

Д. Дўсанов (2024) тижорат банклари инновацион лойиҳа ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарни кредит маблағлари билан таъминлаб, мамлакатимизда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда асосий пофона вазифасини бажарди ва шу орқали, жамиятда умумий макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади аммо кредитларни ажратиша рискларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш жуда муҳимлигини айтиб ўтган.

Таҳлиллар ва натижалар

Муаммоли кредитлар масаласи нафақат, Ўзбекистон, балки, халқаро даражада ҳам муҳим эътибор талаб қиласидиган йўналиш ҳисобланади. Халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон банк секторининг кредит профилига ва шунга мос равишда уларнинг фаолияти рейтингини белгилашда сезиларли таъсир кўрсатадиган бир қатор омиллардан бири муаммоли кредитлар ҳисобланади. Халқаро ташкилотларнинг рейтинг баҳолаш методологиясига кўра, активлар (ва биринчи навбатда кредит портфелининг) сифатини баҳолаш рейтингни ишлаб чиқишидаги энг муҳим босқичлардан биридир, чунки бу

банклар молиявий ҳолатининг бошқа асосий кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Яъни, муаммоли кредитларнинг ўсиши банкларни қўшимча захиралар яратишга мажбур қиласди ва бу уларнинг даромадига салбий таъсир қиласди ҳамда мос равищда капиталнинг етарлилигини пасайтиради. Бунинг акси сифатида, кредит циклидаги активларнинг юқори сифати одатда, барқарор даромадлилик ва яхши капиталлашувга олиб келади.

Банклар активларининг сифатини баҳолаш имконини берувчи бир қатор кўрсаткичлар мавжуд, бироқ асосий кўрсаткич жами портфельдаги муаммоли кредитларнинг улуши ҳисобланади. Бироқ бу ерда бир муҳим омил мавжуд, яъни амалиётда муаммоли кредитлар тушунчаси турли йўллар билан талқин қилиниши мумкин. Тартибга солувчи орган сифатида Марказий банк биринчи навбатда, «ишиламайдиган кредитлар» (non-performing loans ёки NPL) – муддати 90 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган кредитларга қарашади. Марказий банкнинг оператив маълумотларига кўра, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакатимизг тижорат банкларидағи муаммоли кредитлар (NPL) ҳажми 21 трлн 185 млрд сўмга етган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL)

(1 январь ҳолатига кўра)

Т /Р	Банклар	Муаммоли кредитлар (NPL), млрд. сўм			Жами кредитдаги улуши, %		
		2024	2025	фаражи	2024	2025	фаражи
1.	Ўзмиллийба нк	3098	3275	7,17	,12	,03	0,09

2.	Агробанк	2 071	2 903	2 2	83 ,8	3 ,88	4 08	1, 08
3.	Бизнесни ривожлантириш банки	1 935	1 915	- 20	8 ,88	8 ,5	8 0,38	-
4.	Халқ банки	1 855	1 253	- 602	7 ,56	4 ,23	4 3,32	-
5.	Асакабанк	1 731	1 752	21 ,41	4 ,41	4 ,53	4 12	0,
6.	Үзсаноатқур илишбанк	1 283	1 844	56 1	2 ,25	2 ,82	2 57	0,
7.	Микрокреди тбанк	8 65	8 04	- 61	5 ,99	4 ,62	4 1,37	-
8.	Турон банк	2 71	3 54	83 ,28	2 ,28	2 ,82	2 54	0,
9.	Алоқа банк	1 57	2 42	85 ,52	1 ,87	1 1,87	1 35	0,
10.	Бошқа банклар	3 356	6 841	34 85	2 ,43	4 ,12	4 1,69	1, 69
	Жами	1 6621	2 1185	45 64	3 ,53	3 ,97	3 44	0, 44

NPL күрсаткичи халқаро кредит таҳлилизда чекланган қийматга эга, чунки қарздорликнинг расмий мезони асосида факат муаммоли кредитларни аниқлайди. Бизнинг фикримизча, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг (МХХС) 9 стандарти бўйича 3-тоифали кредитларининг улуши банклар активларининг сифатини аниқроқ баҳолашга имкон беради. Ушбу стандарт банклардан барча кредитларни учта саватдан бирига

таснифлашни талаб қиласы. 3-тоифали кредитлар нафақат NPL, балки бошқа муаммоли кредитларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, муддати 90 кундан кам үтган кредитлар, шунингдек, қайта ўзгартирилган «ёмон» кредитлар. Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон Республикаси банк секторида муаммоли кредитлар улушининг барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Банклар томонидан портфелимиздаги 3-тоифали кредитларининг улуши 2021 йилдан буён сезиларли даражада ошди ва сўнгги 3 йил ичида 8–9 фоиз оралигига барқарорлашди (2025 йил 1 январ ҳолатига кўра 8,4 фоиз). Кўриб турганимиздек, бу тартибга солувчи NPL кредитлари учун ставкадан тахминан икки баравар юқори.

Тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг ўсишига қандай омиллар таъсир этади? Бизнинг фикримизга кўра, сектордаги муаммоли кредитларнинг ўсиши биринчи навбатда икки ҳолат билан боғлик. Биринчидан, 2018–2020 йилларда инвестиция талабининг ортиши билан боғлиқ бўлган бир неча йил давомида кредитлашнинг жуда юқори ўсишидан сўнг, улар учун имтиёзли даврлар тугаши ва айрим қарз олувчилар кредит тўловларига хизмат кўрсатишда қийинчиликларга дуч келган (шу жумладан, пандемия ва бошқа ташқи омилларнинг салбий таъсири туфайли). Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, ўша даврда кўпгина банкларнинг (айниқса, давлатга қарашли) кредитлаш меъёрлари анча бўш бўлган ва бу ҳам банклар портфелида муаммоли кредитларнинг тўпланишига хизмат қилган. Ўзбекистон банкларининг активлар сифатини баҳолашда уларнинг кредит риск профили ҳисобга олинади, шу жумладан, иқтисодиётнинг юқори хавфли сегментларидаги кредитлар уларнинг портфелидаги улуши. Бизнинг фикримизча, энг катта кредит хавфи имтиёзли кредитларга хосдир, яъни оилавий тадбиркорлик дастури доирасида чиқарилган. Айрим давлат банкларида асосан шу тоифадаги муаммолар катта ҳажмда юзага келган Бизнинг фикримизча, кичик ва ўрта бизнесга хорижий валютада берилган кредитлар ҳам юқори хавф ҳисобланади. Бундай кредитларнинг салмоқли қисми банклар томонидан чет эл валютасида даромади чекланган ёки умуман бўлмаган қарз олувчиларга берилган бўлиб, бу валюта рискини ҳимоя қилиш

воситаларининг амалда йўқлиги ва миллий валюта курсининг давом этаётган ўртacha заифлашуви шароитида юқори хавфларни келтириб чиқаради. Чакана кредитлашнинг айrim турлари, хусусан, 2022–2023-йилларда сезиларли ўсишни кўрсатган автокредитлар ва гаровсиз истеъмол кредитлари ҳам юқори хавф туғдиради. Бироқ Ўзбекистон Марказий банки бундай кредитларга нисбатан бир қатор чекловчи чораларни киритганидан сўнг, янги кредитлар сезиларли даражада камайди, бу бизнинг фикримизча ушбу сегментларда «ортиқча юкланиш» хавфини камайтиради.

Хулоса

Фикримизга кўра, Ўзбекистон банк секторидаги активлар сифати билан боғлиқ вазият 2024–2025 йилларда барқарорлашади ва банк портфелидаги 3-тоифали кредитларининг улуши энг юқори чўққисига 9–10 фоизга етади. Активлар сифатининг яхшиланишига сўнгти 2–3-йил ичida мамлакатимизда кредитлаш стандартларини сезиларли даражада яхшилаш, банкларнинг тўпланган муаммоли кредитларни ҳисобдан чиқариш ва кредитлашнинг, айниқса, чакана савдода давом этиши сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ташқи омилларнинг таъсирини ва банк секторида давлат банкларини хусусийлаштириш жараёнлари ва Марказий банкининг банк фаолиятини тартибга солишини такомиллаштириш бўйича олиб бораётган фаолиятини ҳам ҳисобга олиш керак.

Кредитлардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари кўрсаткичининг амалдаги даражасини унинг меъёрий даражасида бўлишини таъминлаш учун кредит рискини баҳолаш ва бошқариш борасидаги илгор хориж тажрибасини мамлакат банклари амалиётига тўлақонли жорий этиш вазифасини ҳал қилиш йўли билан таснифланган кредитлар таркибини яхшилаш лозим.

Шунингдек, банклар томонидан эътироф этилган кредит сифати билан боғлиқ муаммолар сонининг кўпайиши парадоксал равишда уларнинг рискларни бошқариш тизимларини, яъни муаммоли кредитларни таснифлаш бўйича ички сиёсатни такомиллаштириш билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, авваллари айрим банклар барча муаммоли кредитларни 3-тоифага ажратмаган, бу эса бутун сектор бўйича умумий кўрсаткичнинг етарлича баҳоланмаслигига олиб келган. 2020 йилги банк ислоҳоти бошланганидан буён муаммоли кредитларни молиявий ҳисботларда эътироф этиш билан боғлиқ вазият сезиларли даражада яхшиланди ва ҳозирда банклар томонидан эълон қилинган маълумотлар, умуман олганда, активлар сифати бўйича реал вазиятни ишончли акс эттиради, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Altman E. I. (1968) Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy//Journal of Finance, September. – P. 63–69.
2. Дўсанов Д. (2024) Хорижий давлатлар банклари инновацион лойиҳалардаги муаммоли кредитлар ҳолати ва уларни такомиллаштириш йўллари //экономика, менеджмент, сервис: Современные проблемы и перспективы. – Т. 4. – С. 17-20.
3. Ибодуллаев Ш.Т. (2023) Тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент.
4. Baxtiyor Pardayevich, Q. (2025). Economic Analysis of Production in The Economic Entities. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 38(1), 275–281. <https://doi.org/10.51699/economics.v38i1.370>
5. Сайфиддинов И. (2024) Муаммоли кредитларнинг бартараф этиш йўллари //Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting. – Т. 4. – №. 04. – С. 546-550.

6. Синки Дж. (2017) Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер. – С. 485-486.
7. Холмаматов Ф.К. (2021) Республикализ банк тизимида муаммоли кредитларнинг амалий ҳолати ва уларни камайтириш йўллари Scientific progress volume 2 | issue 2 | 488-495 бб.
8. Baxtiyor Qlichev, & Sardor Xoldorov. (2024). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning optimal hajmi tahlili. Yashil Iqtisodiyot Va Taraqqiyot, 2(4), 9–15. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14211505>